

КРЕДИТГА ОИД ИШЛАРНИ СУДДА КЎРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

*Акимниязов Нурлыбай Арафатдинович
Ўзбекистон Республикаси Судьялар
Олий Кенгаши хузуридаги Судьялар Олий
мактаби тингловчиси*

Кредитга иқтисодий маънода таъриф берадиган бўлсак, кредит- бу вақтинча бўш турган пул маблағларини маълум муддатга ҳақ тўлаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиққан иқтисодий муносабатлар йиғиндиси.

Кредит (lot. creditum, қарз, credo, ишонаман, мақуллайман) — пул маблағлари, товар ва хизматларни келишилган устама (фоиз) тўлаб қайтариб бериш шарти билан маълум муддатларга қарзга бериш дегани. Қарзга маблағ берувчи томон кредитор (давлат, банк, корхона, хусусий, шахсий ва бошқалар), ссуда олувчи томон эса дебитор (қарздор) дейилади.

Кредит ёрдамида товар моддий бойликлари, турли машина ва механизмлар сотиб олинади, истемолчиларнинг маблағлари етарли бўлмаган шароитда тўловларни кечиктириб товарлар сотиб олишлари ва бошқа ҳар хил тўловлар амалга ошириш имкониятига эга бўлади.

Кредит муносабатларини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, “Гаров тўғрисида”ги, “Ипотека тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Марказий банк тўғрисида” қонунлар ва бошқа бир қатор норматив ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Кредит муносабатлари тарафлар ўртасида кредит шартномаси тузиш орқали (яъни бошқа шахсга муддатлилик, қайтаришлилик ва фойдаланганлик учун фоиз шаклида тўловлилик шартлари асосида) амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 744-моддасига кўра, кредит шартномаси бўйича бир тараф — банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган

миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ кредит ташкилотлари бўлмаган тижорат ташкилотларининг кредитлашни амалга оширишига йўл қўйилган ҳолларда кредит шартномаси тўғрисидаги қоидалар бундай тижорат ташкилотлари амалга оширадиган кредитлаш муносабатларига нисбатан қўлланади.

Кредит шартномаси бу — қарзнинг алоҳида, мустақил кўринишларидан биридир. Кредит шартномасида қарз берувчи сифатида фақат банк ёки Ўзбекистон Республикаси Марказий банки лицензиясига эга бўлган бошқа кредит ташкилоти қатнашиши мумкин. Кредит шартномаси иккала тарафга ҳам мажбурият юклайди. Ҳар бир тараф иккинчи тараф фойдасига мажбурият олади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 745-моддасига кўра, кредит шартномаси ёзма шаклда тузилиши шарт эканлиги белгиланган.

Судларда кредит шартномаларидан келиб чиқадиган низолар судларда кўриладиган ишларнинг анча қисмини ташкил қилади. Кредит шартномаси билан боғлиқ низоларни судда кўришнинг ўзига хос хусусиятлари, бундай ишларни кўришда нималарга эътибор беришлари кераклиги ҳақида айтадиган бўлсак.

Судларда кредит шартномаларидан келиб чиқадиган куйидаги низо турлари учрашади:

- Кредит шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш;
- Кредит маблағларини ундириш;
- Кредит шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш;
- Кредит мажбуриятлари ижросини кечиктирганлик учун неустойка ундириш;
- Кредит шартномаси бўйича муддатли ва муддати кечиктирилган тўловларни ундириш ва ундирувни гаров мулкига қаратиш;
- мажбуриятларни бажармаганлик учун, пул маблағларини ўз вақтида қайтармаганлик учун банк фоизларини ундириш;

- кредит шартномасини бажаришга мажбурлаш;
- мақсадсиз фоидаланилган кредит маблағларини қайтариш;
- гаров, ипотека шартномаларини ҳақиқий эмас деб топиш, ҳақиқий эмаслик оқибатларини қўллаш ва бошқалар;

Судлар кредит шартномаларидан келиб чиқадиган низолар юзасидан даъво аризалари судга тақдим қилинганда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Процессуал Кодексининг 26-моддасига асосан мазкур низонинг тааллуқлиги масаласига эътибор беришлари лозим. Кредит шартномасининг тарафлари кредит берувчи сифатида банк ёки кредит ташкилоти ҳисобланади. Кредит олувчи юридик шахс, якка тартибдаги тадбиркор ёки фуқаро бўлиши мумкин. Шунингдек, кредит шартномаси юридик шахслар ўртасида, гаровга қўювчи, кафил сифатида фуқаро билан шартнома тузилиб, даъво аризасида ундирувчи гаров мулкига қаратиш (**ФКнинг 279-моддаси**) ёки кафилдан солидар (**ФКнинг 293-моддаси, 3-қисми**) тартибда ундириш талаблари қўйилиши мумкин. Даъвогар томонидан бир неча даъво талаблари бирлаштирилиб, даъво талабининг бир қисми маъмурий судга, иқтисодий судга, бошқаси фуқаролик ишлар бўйича судга таалуқли бўлганда, талаблар ўзаро боғлиқ бўлса, мазкур Кодекснинг 27-моддасига асосан барча талаблари фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилиши лозимлигига эътибор бериш лозим.

Қырғизыстон Республикаси Олий суды Пленумининг 2018 йил 31 май кунги 12-сонли қарорининг 4-банди, 1-кичик хат бошида юридик шахсга ва якка тартибдаги тадбиркога нисбатан даъво аризалар юридик шахс жойлашган жойда, якка тартибдаги тадбиркорга нисбатан даъволар унинг яшаш жойидаги ёки мол-мулки турган жойдаги судга тақдим этилиши тушинтирилган.

Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган низолар фуқаролик судларда кўриш ФПКда белгиланган тартибда даъво тартибида иш юритишнинг умумий қоидаларига мувофиқ кўриб чиқилади.

Кредит шартномаларига оид даъво аризаларини иш юритишга қабул қилишда мазкур даъво аризалари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Процессуал кодексининг 188-191-моддалари талабларига жавоб бериш бермаслигини аниқлашлари лозим. Жумладан, даъво ариза судга ёзма шаклда берилишига, у даъвогар ёки унинг вакили томонидан имзоланганлигига, даъвонинг баҳоси, даъво талабини асосларини тасдиқловчи далиллар тақдим этилганлигига, жавобгар билан низони судгача ҳал этиш тартибига риоя этилганлигига, даъво аризасининг нусхаси тарафларга юборилганлигига, давлат божи ва почта харажати тўланганлигига эътибор беришлари шарт.

Даъво аризасига кредит шартномаси, гаров, Ипотека, кафиллик шартномалари, тўлов жадваллари, кредит тўловларни тўлаганлик ҳолатларини тасдиқловчи тўлов топшириқномалари, кредитдан мақсадли фойдаланишни мониторинг ўтказишга оид далолатномалар, неустойкани ҳисоблаш тартиби, суммаси, низони судгача ҳал этиш тартибига риоя этилганлигини тасдиқловчи ёзишмалар, талабномалар илова қилиниши керак. Бу ҳужжатлар низо юзасидан қўшимча жавобгар, учинчи шахсларни ишга жалб қилишда, ишни адолатли ва қонуний кўриб чиқилишини таъминлашда муҳим ҳисобланади.

Шу уринда Қозоғистон Республикаси Олий судининг 2016 йил 25 ноябрдаги 7-сонли меъёрий низомининг 9-бандида томонларнинг важларини кўриб чиқишда судлар банк, ипотека ташкилоти ёки агросаноат комплекси соҳасидаги миллий бошқарувчи холдинг шуба корхонаси бошқарув органи томонидан тасдиқланган ички кредит сиёсати тўғрисидаги қоида талабларини ҳисобга олиши лозимлиги назарда тутилган.

Давлатимиз қонунчилиги кредитлар мақсадсиз берилиши мумкин эмаслиги, кредит шартномасида кредит маблағларини мижозга қайси мақсадларга берилиши аниқ белгилши, банк мижоз томонидан кредитни мақсадли ишлатилишини назорат қилиш ҳуқуқи берилиши, мижоз томонидан кредит маблағларини кредит шартномасида кўзда тутилмаган

мақсадларда ишлатилиши кредит шартномасини бузганлигини билдиради ҳамда кредит шартномасида белгиланган чораларни қўллаш ҳуқуқини беради.

Даъво аризасида кредитдан мақсадсиз фойдаланганлик сабабли шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб қўйилган бўлса, судлар бундай низоларни кўришда шартнома шартларида кредитдан мақсадсиз фойдаланганлик ҳолатларини тасдиқловчи далилларга ва ФКнинг 382-384 моддалари талабларига кўра шартномани бекор қилишга асос бўла олиши ёки бўла олмаслик ҳолатлари тўғри ҳуқуқий баҳо беришлари зарур бўлади.

Кредитдан мақсадсиз фойдаланганлик Жиноят кодексининг 167-моддаси (талон-торож қилиш), 209-моддаси (мансаб сохтакорлиги) ва 228-моддаси (ҳужжатларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш) билан жиноят иши қўзғатилганлик ҳолатлари ҳам бўлиши мумкинлигига эътибор қаратиш лозим.

Кредит шартномалари юзасидан низолар кўпинча банк филиаллари томонидан судларга тақдим қилинади. Судлар банк филиали раҳбарларининг судга даъво аризаларини имзолаш ва судда даъво қўзғатишга ваколат берувчи ишончномалари мавжуд (йўқлиги) ҳолатини текшириб, ишончнома берилмаган бўлса, талаб қилиб олиб аниқлик киритилиши керак. Банк филиали мустақил юридик шахс ҳисобланмайди (ФКнинг 47-моддаси). Шу сабабли судга банк филиали номидан белгиланган тартибда тасдиқланган ишончномасиз даъво аризаси берилганда, даъво аризасини қайтаришга асос бўлади (ФПКнинг 195-моддаси, 1-бўли, 2-қисми). Агар даъво аризаси иш юритишга қабул қилинган бўлиб, бундай ваколат берувчи ишончнома тақдим этилмаганда, ФПК 122-моддаси, 1-бўлим, 2-қисмига асосан даъво аризаси кўрмасдан қолдирилади.

Кредит шартномаси суд тартибида тарафларнинг бирининг талаби билан бошқа тараф томонидан шартнома шартлари жиддий равишда бузилганда ёки вазият жиддий ўзгарганда, шунингдек қонун ёки шартномада назарда

тутилган бошқа ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин (ФКнинг 382-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ва Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги 13/150-сонли қарорида кредит шартномаларидан келиб чиқадиган низоларни кўриш билан боғлиқ бир қанча масалалар юзасидан раҳбарий тушунтиришлар берилган. Ушбу Карорнинг 4-банди иккинчи хатбошисида судлар назарда тутишлари керакки, юқори фоиз ставкаларини белгилаш, кредитни қайтариш ёки фоиз тўлашни кечиктирганлик учун жарима қўллаш, кредит валютаси курсининг ўзгариши кредит ўзгартирилиши ёки бекор қилинишига олиб келадиган вазиятнинг жиддий ўзгариши деб ҳисобланиши мумкин эмас.

Судлар кредит муносабатларидан келиб чиқадиган низоларни кўриб чиқишда Фуқаролик кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси, шу соҳани тартибга солувчи бошқа қонун нормалари ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми талабларига риоя қилган ҳолда кўриб чиқсалар, низоларни ўз вақтида қонуний ва адолатли ҳал қилиб, одил судловни самарали амалга оширилишини таъминлаган бўлар эдилар.